



## ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОР- ЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Азимова Феруза Пайзиевна -  
Тошкент тўқимачилик ва  
енгил саноат институти PhD*

[doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a41](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a41)

**Аннотация.** Ушбу мақолада тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини амалга ошириш давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинаётганлиги, иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш корхоналар учун ҳам, халқ хўжалигининг алоҳида тармоқлари учун ҳам амалга оширилаётганлиги баён қилинган. Ўзбекистондаги саноат корхоналари ва бутун халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги бир қанча иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида аниқлаши мумкинлиги тавсифланган.

**Калит сўзлар:** самара, самарадорлик, пахта, тўқимачилик, бошқарув, маҳсулот, экспорт, истиқбол, сармоя, трикотаж, харажат, фойда, таҳлил.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ ТОВАРИЩЕСТВОМ ТЕКСТИЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

*Азимова Феруза Пайзиевна -  
Ташкентский институт текстильной и  
легкой промышленности к.э.н.*

**Аннотация.** В данной статье констатируется, что осуществление деятельности предприятий текстильной промышленности всемерно поддерживается государством, а экономическое товарищество реализуется как для предприятий, так и для отдельных отраслей народного хозяйства. Описано, что товарищество производственной деятельности предприятий Узбекистана и всего народного хозяйства можно определить путем анализа нескольких экономических показателей.

**Ключевые слова:** производительность, эффективность, хлопок, текстиль, управление, продукция, экспорт, перспективы, инвестиции, вязание, себестоимость, прибыль, анализ.

## IMPROVEMENT OF THE CAMARADERIE MANAGEMENT OF TEXTILE ENTERPRISES

*Azimova Feruza Payzievna -  
Tashkent Textile and Light Industry Institute PhD*

**Abstract.** In this article, it is stated that the implementation of the activities of the textile industry enterprises is supported by the state in every way, and economic camaraderie is implemented both for the enterprises and for individual sectors of the national economy. It is described that the camaraderie of the production activity of the enterprises of Uzbekistan and the entire national economy can be determined by the analysis of several economic indicators.

**Key words:** productivity, efficiency, cotton, textile, management, product, export, outlook, investment, knitting, cost, profit, analysis.

**Кириш.** Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида: "...қишлоқ хўжалигидаги ислохотлардан мақсад – иқтисодий фойда кўриш билан бирга, халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур"[13], – деб алоҳида таъкидлади.

Истиқболда мамлакатимизда пахта-тўқимачилик тармоғи жадал суръатларда ривожланиши ва ортиб бораётган эҳтиёжларни тўлароқ қондиришга ҳаракат қилиши лозим. Республикамиз пахта-тўқимачилик тармоғининг барқарор ва инновацион ривожланишини таъминлаш тизимида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш уларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш йўлларида бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чи-

қарилишини ташкил этиш, унинг ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [15].

Жаҳонда аҳоли сонининг доимий ошиб бориш тенденцияси кийим-кечак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг мунтазам юқори бўлишини келтириб чиқармоқда. Шу боисдан тўқимачилик тармоғининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши ривожланган мамлакатларда, хусусан, Германия, Франция, АҚШда 6-9 %ни, Италияда 12 %ни ташкил этган. Жаҳонда охириги 10 йилда иқтисодиётнинг глобаллашуви натижасида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш марказлари Европа ва АҚШдан Жанубий-Шарқий, Марказий Осиё, Жанубий Америка мамлакатларига кўчди[25]. Шу боисдан тўқимачилик саноати ишлаб

чиқаришни замонавий бошқарув усуллари қўллаган ҳолда янада ривожлантириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Жаҳонда тўқимачилик корхоналари фаолиятини бошқаришда мақсадлар бўйича бошқариш, қиймат асосида бошқариш, фаолият самарадорлигини бошқариш йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Шу билан бирга, ривожланиш стратегияси билан боғлиқ стратегияни моделлаштириш, баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими (BSC), жараёнга йўналтирилган режалаштириш ва функционал қиймат таҳлили, бюджетлаштириш ва бизнесни моделлаштириш, фаолият таянч кўрсаткичлари мониторинги (Key performance indicators – KPI) каби бошқарув технологиялари долзарб илмий масалалардир. Бу борада жаҳон амалиётида тўпланган тажрибаларни республикамиз тўқимачилик корхоналари амалиётига жорий этиш орқали улар фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Мазкур самарадорлик атамаси кўпгина иқтисодчилар ва мутахассислар томонидан кенг ўрганилган ва ўз қарашларини баён этишган.

Замонавий иқтисодиётга оид фанларда «самарадорлик» тушунчасининг ягона аниқ таърифи учрамайди.

Ҳозирда иқтисодчилар ушбу атама таърифнинг кўплаб талқинларини таклиф қилмоқдалар. “Самарадорлик” иқтисодий категориялардан бири саналиб, унинг моҳиятини ўрганишда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Уларнинг айримлари билан танишамиз.

Умуман олганда, иқтисодий самарадорлик билан натижавий таъсирни ўлчайдиган нисбий кўрсаткич бўлиб, самарага эришиш учун фойдаланиладиган харажатлар ёки ресурслар саналади [5].

Самарадорлик назарияси соҳасидаги класиклардан бири Т.С. Хачатуров ушбу атамани қуйидагича аниқлайди: “Самарадорлик иқтисодий ёки ижтимоий самаранинг унга эришиши учун зарур бўлган харажатларга нисбатидир” [3].

Замонавий иқтисодий луғатда самарадорликнинг қуйидаги таърифи келтирилади: “самарадорлик нисбий таъсир, жараённинг натижадорлиги, операция, лойиҳанинг нисбий самараси бўлиб, самара, натижанинг унга эришишга, олишга сарафланган харажатларга нисбати каби аниқланади» [9, 412-б.].

2001 йилда ГОСТ ИСО 9000 “Сифат менежменти тизими. Асосий қоидалар ва луғат”. Унда самарадорлик категориясининг қуйидаги таърифи келтирилади: “Самарадорлик эришилган натижа ва фойдаланилган ресурслар ўртасидаги муносабатдир” [14].

Ушбу ҳужжатда алоҳида ҳолда натижадорлик категорияси “...режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш ва режалаштирилган натижаларга эришиш даражаси” сифатида қаралган [14]. Шундай қилиб, меъёрий ҳужжатлар даражасида самарадорлик ва натижадорлик категорияларининг бир-биридан фарқланиши амалга оширилган.

Замонавий иқтисодий луғатда самарадорликнинг қуйидаги таърифи келтирилади: “Самарадорлик нисбий таъсир, жараённинг натижадорлиги, операция, лойиҳанинг нисбий самараси бўлиб, самара, натижанинг унга эришишга, олишга сарафланган харажатларга нисбати каби аниқланади”.

Иқтисодий самарадорлик иқтисодий фаолият, иқтисодий дастур ва чора-тадбирлар самарадорлиги бўлиб, иқтисодий самара, натижанинг ушбу натижани олишга сабаб бўлган омиллар, ресурсларга нисбати ҳамда маълум қийматдаги ресурслар ёрдамида ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажмига эришиш каби таснифланади [6].

Кўпгина хорижий иқтисодчилар «харажат-ишлаб чиқариш» муаммоси асосида “иқтисодий самарадорлик” тушунчасини кўриб чиқардилар. Масалан, инглиз иқтисодчиси Пол Хейнинг фикрича, самарадорлик ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурслар миқдори билан ҳар қандай талаб қилинадиган маҳсулот миқдори ўртасидаги муносабатларни тавсифлайди [12]. М.П.Тодаро фикрича: “Иқтисодий самарадорлик – самарали талабнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ресурс тежовчи технологиялар ёрдамида маҳсулотнинг максимал мумкин бўлган қийматини ишлаб чиқариш” [10]. К.Р.Макконнелл, С.Л.Брюлар томонидан “Экономикс” китобида унга қуйидаги таъриф келтирилган: “Иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган ва қандайдир маҳсулот натижасида олинадиган нодир ресурслар бирликлари сони ўртасидаги муносабатни ифодалайди” [13].

С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензилар самарадорликни талқин қилишда ишлаб чиқариш самарадорлигини имкониятлар чизиғи билан боғлашган. Улар “агар ишлаб чиқариш вариантлари ушбу имкониятлар чегарасида бўлса, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарасиз фойдаланилмоқда” деган хулоса чиқаришади. “Буни жамиятда неъматлар, ҳаттоки, биттага кўп бўлса ҳам бу бошқа неъматларни камайтириш асосида амалга ошади, аксинча, ишлаб чиқариш нуқтаси имкониятлар чизиғи ташқарисида бўлса, буни ишлаб чиқаришнинг эришиб бўлмайдиган даражаси”, – дейишади [11].

Шунингдек, Р.Пиндайк ва Д.Рубенфильдлар ишлаб чиқаришга сарфланган маблағлар са-

марадорлигини ресурс – меҳнат ва капиталга боғлиқ равишда талқин қилишган. Улар: «...агар битта товарни ишлаб чиқариш бошқа ишлаб чиқаришни камайтирмаган ҳолда амалга ошса, у ҳолда ишлаб чиқариш самарали ҳисобланади», – деб таъкидлайдилар [8].

Самарадорлик масалаларига ўзбекистонлик олимлар ҳам ўз муносабатларини билдиришган. Хусусан, А.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев каби олимларнинг фикрича, «Самарадорлик – содир бўлаётган бирор иқтисодий жараённинг қандай натижа билан якунланганлигини ифодалайдиган тушунча. «Самара» ва «самарадор» тушунчалари мутлақ кўрсаткич бўлса, «самарадорлик» нисбий кўрсаткичдир» [7].

Яна бир иқтисодчи олим Ё.А.Абдуллаевнинг фикрича, «самарадорлик нисбий кўрсаткич бўлиб, уни макродаражада ҳисоблашда ресурслар, харажатлар ва олинган самара (натижа)га асосланади» [1].

Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича, «самарадорлик корхона ресурсларидан фойдаланиши-

нинг ҳам сифат, ҳам миқдор кўрсаткичларини, унумдорлик эса фақат миқдор кўрсаткичларини ифодалайди» [2].

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш иқтисодий фаолиятнинг иқтисодий кўрсаткичларидан бири сифатида самарадорлик кўрсаткичлари тушунчанинг ўзи ноаниқлиги туфайли камдан-кам ҳолларда назарий жиҳатдан кўриб чиқилади, деган хулосага олиб келди. Иқтисодчиларнинг самарадорлик тушунчасини талқин қилишидаги ноаниқлик кўриб чиқиладиган категория моҳияти бўйича бир тўхтамнинг йўқлиги билан боғлиқ. Ҳозирги кунда «самарадорлик» тушунчасининг аниқ, умумий қабул қилинган талқини йўқлигига эътибор қаратилади. Кўпинча иқтисодий самарадорлик деганда, натижанинг унга эришиш харажатларига нисбати тушунилади.

Самарадорликнинг моҳиятини аниқлашга ёндашувлар 1-жадвалда умумлаштирилган.

**1-жадвал**

**Ҳар хил муаллифлар талқинида самарадорликни аниқлашга ёндашувлар**

| Муаллиф                                   | Талқин моҳияти  |
|---|---|
| Ендовицкий Д.А., Любушин Н.П. [101]       | Иқтисодий самарадорлик – ташкилотнинг кўп ёки кам ресурслардан фойдаланган ҳолда мақсадга эришиш қобилияти  |
| Друкер П.Ф. [98]                          | Иқтисодий самарадорлик – умумий харажатлар ва иқтисодий натижалар ўртасидаги энг қулай нисбат   |
| Каплан Р., Нортон Д. [114]                | Самарадорлик белгиланган жараён, операция, лойиҳанинг нисбий самараси, натижадорлиги бўлиб, самара, натижани уни юзага келтирган ёки тақдим этган харажатларга нисбати сифатида аниқланади                      |
| Подкроптивный С.В. [150]                  | Самарадорлик маълум вақт мобайнида ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат (ходимлар)дан фойдаланишнинг якуний натижаларини мураккаб акс эттиришдир  |
| Муромцев Д.Ю. [172]                       | Самарадорлик режалаштирилмаган, балки самарали натижа билан (фойда, имтиёзларни максималлаштириш ва сарфланган ресурсларни минималлаштириш орқали меҳнат, хомашё, капитал) боғлиқ самарадорлик, натижадорликдир |
| Коврижных И.В. [119]                      | Самарадорлик ташкилот фаолиятининг ажралмас ва тузилган тавсифи бўлиб, бу фаолиятнинг муваффақиятини, унинг ташкилотнинг миссияси, мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини ҳар томонлама акс эттиради              |
| Лопатников Л.И. [128]                     | Самарадорлик – муайян тизим сифатининг ўзига хос хусусиятларидан бири, хусусан, иқтисодий, яъни харажатлар ва фаолият натижалари нисбати бўйича унинг тавсифи   |
| Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. [134] | Самарадорлик – «ички самарадорлик, ресурслардан энг яхши фойдаланишни баҳолайдиган иқтисодиёт»  |
| Шарифхўжаев М. Абдуллаев Ё. [169]         | Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мақсади ҳам оз меҳнат, моддий пул маблағлари сарфлаб, кўпроқ самарага эришишдир. Бу деган сўз эришилган самарани сарфланган харажатга бўлиш керак (652-бет)                          |
| Ўлмасов А., Ваҳабов А.В. [177]            | Самарадорлик ресурс сарфлари билан ишлаб чиқаришдан олинган натижасини таққосланишини билдиради, яъни бу нима сарфлаб, нимага эришганлигини кўрсатади (52-бет)  |
| Ғулумов С. ва бошқ. [180]                 | Самарадорлик дейилганда, ишлаб чиқариш натижаларининг (маҳсулот, хизмат) уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган ресурслари (харажатлар)га нисбати тушунилади  |
| Қ.Х.Абдурахмонов [73]                     | Самарадорлик корхона ресурсларидан фойдаланишининг ҳам сифат, ҳам миқдор кўрсаткичларини, унумдорлик эса фақат миқдор кўрсаткичларини ифодалайди  |

*Манба: Эмпирик тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Хориж ва маҳаллий олимларнинг иқтисодий самарадорлик ҳақидаги фикрларини ўрганишга ёндашувларни таҳлил қилиш бугунги кунда иқтисодий адабиётда иқтисодий самара-

дорлик концепциясининг аниқ талқини йўқлигини кўрсатади, шунинг учун биз иқтисодий самарадорликни аниқлаш учун қуйидаги бир қатор ёндашувларни аниқлай оламиз: 1) нати-

жа, таъсир, харажат ёки ресурсларнинг нисбати сифатида; 2) ресурслардан муқобил фойдаланиш натижасида; 3) корхонанинг мақсадларига қандай эришиш; 4) ишлаб чиқариш фаолиятида юқори натижага эришиш.

Келтирилган барча ёндашувларни умумлаштириш «иқтисодий самарадорлик» категориясининг мазмунини очиб бериш имконини беради. Бизнинг фикримизча, иқтисодий самарадорлик деганда, натижанинг ташкилотнинг мақсадларига мос келадиган юқори молиявий кўрсаткичларга эришиш билан тавсифланган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун муқобил шароитларни яратишга боғлиқ бўлган ташкилотнинг фаолияти натижасининг унга эришишига сарфланган харажатларига нисбати тушунилади.

Шундай қилиб, самара исталган натижага эришиш жараёнининг мутлақ миқдорий тавсифи, самарадорлик эса нисбий ва сифат тавсифидир.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув, статистик усуллардан фойдаланилган. Статистик таҳлил учун Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси ҳамда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Тўқимачилик корхонаси фаолияти самарадорлиги бир қанча турқум кўрсаткичлар билан тавсифланади. Ушбу кўрсаткичлар тўқимачилик корхонаси ишлаб чиқариш, бошқарув, маркетинг, инвестиция, молия, инновация, ташқи савдо фаолияти натижадорлиги ҳамда мавжуд моддий,

меҳнат ва молиявий ресурслардан қай даражада фойдаланилганликни ҳам тавсифлайди. Биз ўз тадқиқотларимизда тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда молиявий натижаларни тавсифловчи кўрсаткичлар ҳолатини таҳлил қилишга эътиборни қаратдик.

Маълумки, қанчалик маҳсулот сифати юқори бўлса, шунчалик унинг ишлаб чиқарилган ҳажми юқори бўлади. Йил охирида қанчалик унинг қолдиғи кам бўлса, сотилган маҳсулот ҳажми шунчалик юқори бўлади. Шундай қилиб, сотиш ҳажмини оширишнинг резерви сифатида омбордаги маҳсулот қолдиғи ва жўнатилган, аммо ҳали истеъмолчи томонидан пули тўланмаган маҳсулот ҳажми хизмат қилади. Улар ҳолатини бухгалтерия баланси (1-ш.) маълумотлари асосида ўрганиш мумкин [4].

«URGUT GULBAHORI» масъулияти чекланган жамият (МЧЖ)да 2017-2020 йилларда ялпи маҳсулот ҳажми ва маҳсулот сотишдан соф тушум динамикаси таҳлили натижалари 2-жадвалда келтирилган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ўрганилаётган МЧЖда 2017 йилда ялпи маҳсулот ҳажми 362454 минг сўмни ташкил этиб, 2018-2020 йилларда ушбу кўрсаткичнинг 2017 йилга нисбатан ўсиш суръати мос равишда 103,32; 80,77; 95,58 %ни ташкил этган. 2017-2020 йилларда маҳсулот сотишдан соф тушум динамикасини ўрганиш шуни кўрсатадики, ўрганилаётган даврда ушбу кўрсаткичнинг ўзгариши нотекис кўринишга эгадир. 2017 йилга нисбатан маҳсулот сотишдан соф тушум миқдори 2020 йилда 17258 минг сўмга камайган ёки унинг ўзгариш суръати 94,96 %ни ташкил этган.

**2-жадвал**

**«URGUT GULBAHORI» МЧЖда 2017-2020 йилларда ялпи маҳсулот ҳажми ва маҳсулот сотишдан соф тушум динамикаси таҳлили, минг сўм**

| Кўрсаткичлар номланиши               | Йиллар |        |        |        | 2017 йилга нисбатан ўсиш суръати, % |      |      |
|--------------------------------------|--------|--------|--------|--------|-------------------------------------|------|------|
|                                      | 2017   | 2018   | 2019   | 2020   | 2018                                | 2019 | 2020 |
| Ялпи маҳсулот ҳажми                  | 362454 | 374504 | 292755 | 346430 | 103,3                               | 80,8 | 95,6 |
| Сотилган маҳсулотдан соф тушум ҳажми | 342658 | 351770 | 280715 | 325400 | 102,6                               | 81,9 | 94,9 |

*Манба: Тўқимачилик корхонаси ҳисоботлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.*

Ўрганилаётган даврда «URGUT GULBAHORI» МЧЖда ялпи маҳсулот ҳажмининг сотилган маҳсулот ҳажмидан четлашиши рўй берган, хусусан, 2020 йилда ушбу четлашиши, яъни қолдиқ маҳсулот ҳажми 21030 минг сўмни ташкил этган бўлса, унинг миқдори 2019 йилда 12040 минг сўмни ташкил этган ёки омбордаги маҳсулот қолдиқ миқдори жорий йилда ўтган йилга нисбатан 8990 минг сўмга ошган.

Сотиш ҳажми бажарилишига таъсир қилувчи омилларни ўрганишда уни ташкил этувчилар ҳолати ҳамда омбордаги қолдиқ ва жўнатилган йўлдаги маҳсулот миқдорини таҳлил қилиш лозим бўлади. Таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Тайёр маҳсулот меъёри корхона нормал ҳолатда фаолият кўрсатгандаги пайдо бўладиган минимал захира даражасидир. Таннархдаги сотиш ҳажми 25-шакл – “Саноат маҳсулотини



сотиш”дан, таннархдаги товар ишлаб чиқариш ҳажми эса 1-П – “Маҳсулот бўйича корхона (ташкилот) йиллик ҳисоботи” шаклидан олинади [4].

3-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, ҳисобот йилида тайёр маҳсулот йиллик ўртача қолдиғи 13450 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 4650 минг сўмга ошган,

меъёрга нисбатан 1950 минг сўмга ошган. Маҳсулот бўйича дебитор қарзлар суммаси эса ўрганилаётган даврда бўлмаган. Шундай қилиб, маҳсулот сотиш режасини бажаришда ушбу корхонада фойдаланилмаган ички имкониятлар суммаси 8990 минг сўмни ташкил этади.

**3-жадвал**

**Омбордаги қолдиқ ва жўнатиш йўлдаги маҳсулот миқдори таҳлили, минг сўм**

| Қолдиқ турлари             | Йиллик ўртача қолдиқ |          | Меъёр | Ҳисобот йилидаги қолдиқнинг фарқи (+,-) |          |
|----------------------------|----------------------|----------|-------|---|----------|
|                            | 2019 йил             | 2020 йил |       | Ўтган йилдагидан                        | Меъёрдан |
| Тайёр маҳсулот             | 8500                 | 13450    | 11500 | 4950                                    | 1950     |
| Жўнатиш йўлдаги маҳсулот   | 3540                 | 7580     | х     | 4040                                    | х        |
| Маҳсулот бўйича дебиторлар | -                    | -        | х     |   | х        |

*Манба:* Тўқимачилик корхонаси ҳисоботлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Сотилган маҳсулот ҳажми ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили натижалари 3-жадвалда келтирилган. маълумотлар шуни кўрсатадики, сотиш ҳажмининг ўсиш суръатига кўпгина кўрсаткичлар таъсир қилади. Буларга маҳсулотнинг сифати, уни бир маромда ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотни ўз вақтида истеъмолчиларга жўнатиш ва унинг ҳақини тўлаш, сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошига ва йил охирига бўлган қолдиғи каби омиллар кирди. Ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотнинг бир-бирига боғлиқлигини текшириш учун товар балансини тузиш керак. Уни қуйидаги формула орқали ифода қилиш мумкин [4]:

$$T_1 + M_1 = P + T_2,$$

Бу ерда:

$T_1$  – сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошига бўлган қолдиғи;

$M_1$  – жорий йилда ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг ҳажми;

$P$  – жорий йилда сотилган маҳсулотларнинг ҳажми;

$T_2$  – сотилмаган маҳсулотларнинг йил охирига бўлган қолдиғи.

Товар балансининг элементлари бир-бири билан узвий равишда боғлиқ. Агар режага нисбатан йил бошига бўлган қолдиқ кўп бўлса, у ҳолда шу фарққа нисбатан сотиш ҳажми ошади. Аксинча, сотилмаган маҳсулотларнинг йил охи-

ригача бўлган қолдиғи камайса, у ҳолда сотиш ҳажми ошади.

Сотиш ҳажмининг ўзгаришига товар маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотилмаган маҳсулотларнинг ўзгариши ҳам таъсир қилади. Энди юқорида берилган энгилликлардан сотиш жараёнини қуйидагича ифода этиш мумкин [4]:

$$P = T_1 + M_1 - T_2$$

Ушбу боғланишни таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални ҳавола этамиз (3-жадвал). Таҳлил олиб боришда омилли таҳлилнинг усулларидан фойдаланилади. Ушбу жадвалдан кўринишича, сотиш ҳажмининг режа ва ҳақиқий суммаси товар маҳсулот ва сотилмаган маҳсулотнинг қолдиқ суммаси билан ўзаро боғланган экан. Қолдиқ товар маҳсулотларни ўз вақтида сотиш имкониятларини маркетинг тадқиқотларига таяниб, ташкил этиш зарур бўлади.

4-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, «URGUT GULBAHORI» МЧЖда 2020 йилда сотилган маҳсулот ҳажмининг йил бошига қолдиғи ҳақиқатда 12460 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 4220 минг сўмга ошган. Бу эса маҳсулот сотишдан тушадиган тушум суммасини шу суммага камайтирган. Унинг олдини олиш зарур бўлади. Сотилмаган маҳсулотнинг йил охирига қолдиғи эса ҳақиқатда 13450 минг сўмни ташкил этган ҳолда, ўтган йилга нисбатан 4950 минг сўмга ошган.

**4-жадвал**

**«URGUT GULBAHORI» МЧЖда 2019-2020 йилларда сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили, минг сўм**

| Т/р | Кўрсаткичлар  | 2019 йилда | 2020 йилда | Фарқи  | Сотиш ҳажмига таъсири (+,-) |
|-----|---|------------|------------|--------|-----------------------------|
| 1.  | Сотилмаган маҳсулотнинг йил бошига бўлган қолдиғи       | 8240       | 12460      | +4220  | +4220                       |
| 2.  | Сотилмаган маҳсулотларнинг йил охирига бўлган қолдиғи   | 8500       | 13450      | +4950  | +4950                       |
| 3.  | Ялпи маҳсулот ҳажми                                     | 292755     | 346430     | +53576 | +53576                      |
| 4.  | Сотилмаган маҳсулот ҳажми (1-қатор – 2-қатор + 3-қатор) | 292495     | 345440     | +52945 | +52945                      |

Шундай қилиб, ушбу тўқимачилик корхонасида 2020 йилда сотилмаган маҳсулот ҳажми йил бошига нисбатан йил охирида 730 минг сўмга ошган ва уни ўз вақтида сотишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим.

Кейинги таҳлил босқичида ялпи ва сотилган маҳсулотлар ҳажмларининг режага нисбатан ва ўтган йилларга нисбатан бажарилиши таҳлил қилиниб, бу борадаги фойдаланилмаган ички имконият даражалари аниқланиши лозим. Бу эса ўз навбатида, ушбу кўрсаткичлар ўсиш суръати ҳамда ўсиш суръати жадаллигини аниқлаш имкониятини беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Тўқимачилик саноати фаолиятига оид баъзи бир хулоса ва таклифларимизни бермоқчимиз.

1. Тўқимачилик корхонаси ишлаб чиқариш, бошқарув, маркетинг, инвестиция, молия, инновация, ташқи савдо фаолияти натижадорлиги ҳамда мавжуд моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан қай даражада фойдаланилганликини тавсифлашда бир қанча туркум кўрсаткичлар ҳолатини таҳлил қилишга эътибор қаратилган.

2. «URGUT GULBANORI» масъулияти чекланган жамият (МЧЖ)да базис йил саналган 2017 йилда маҳсулотлар (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан тушган тушумдан олинган ялпи фойда 54254,68 минг сўмни ташкил этиб, ушбу сумма миқдори кейинги йилларда мунтазам равишда ошиши кузатилади ва 2020 йилда 113890 минг сўмни ташкил этган ёки ўсиш суръати 209,92 %ни ташкил этган. Ўрганилаётган даврда асосий фаолиятдан олинган фойдаси (зарари) миқдори ўзгаришида ҳам ижобий ҳолат кузатилади ва 2017 йилга нисбатан ушбу миқдор-

нинг ўзгариш суръати 2018-2020 йилларда мос равишда 105,9; 147,8 ва 221,8 %ни ташкил этган.

Ҳозирги вақтда тўқимачилик саноати таркибидаги акциядорлик жамиятлари фаолиятини бошқариш механизми самарадорлигини ошириш заруратини юзага келтирувчи бир қатор ҳолатлар мавжудки, улар акциядорлик жамиятларини стратегик ривожлантиришда асосий роль ўйнайди. Мазкур ҳолатларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Айни пайтда кўплаб тўқимачилик корхоналари бошқариш тизимида бошқариш самарадорлигини ошириш, корхона молиявий барқарорлигини баҳолашда ягона мазмундаги (молиявий, меҳнат, моддий кабилар) кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳолатлари учрамоқда. Бу ҳолатни зарар кўриб ишлаётган ёки молиявий ҳолати ёмонлашиб бораётган корхоналарнинг, асосан, жорий муаммолар билан ёки жорий кўрсаткичларни сақлаб қолиш билангина чекланаётганлиги; корхоналарда замонавий усул ва технологиялар асосида комплекс таҳлилани амалга оширувчи малакали ходимларнинг етишмаслиги; аксарият ҳолларда корхоналарда ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамон мураккаб жадваллар билан автоматлашмаган ҳолда, яъни анъанавий ишлаш тизими сақланиб қолаётганлиги каби сабаблар билан ифодалаш мумкин.

2. Бошқарув ходимлари малакасининг янги ўзгаришларга мос эмаслиги. Хусусан, айрим ҳолатларда раҳбар ходимларнинг кадрларни танлаш, жойига қўйиш ва малакасини ошириш билан боғлиқ муаммоларга юзаки қарамасдан, корхонада рағбатлантирувчи муҳитни шакллантиришини таклиф қилардик.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Адизес И. *Размышления о менеджменте*. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2016. – 478 с.
2. Ансофф И. *Стратегическое управление*. / Пер. с англ. – М.: Экономика, 2002. – 416 с.
3. Исаев Р.А. *ва бошқалар. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бизнес-режа (I ва II қисм)*. – Т.: Тафаккур, 2011. – 516 б.
4. Yo'ldoshev N.Q., Yusupov S.Sh., Zaxidov G'. *Menejment asoslari va biznes reja*. – Т.: Fan va texnologiya, 2016. – 244 б.
5. Корольков В.Ф., Брагин В.В. *Процесс управления организацией*. – Ярославль, 2001. – 416 с.
6. Марк Грэм Браун *За рамками сбалансированной системы показателей. Как аналитические показатели повышают эффективность управления компанией*. / Марк Грэм Браун. – М.: Олимп-Бизнес, 2012. – 224 с.
7. Плахова Л.В., Анурина Т.М., Легостаева С.А. и др. *Основы менеджмента. Учеб. пособие*. – М.: КНОРУС, 2009. – 496 с.
8. Портер М. *Конкуренция*. / М. Портер; пер. с англ. О.Л. Пелявского [и др.]. – Исправ. изд. – М.: Вильямс, 2005. – 602 с.
9. Собиржонова Д., Сулаймонов Б. *Менеджмент. Ўқув қўлланма*. – Т.: Iqtisod va moliya, 2008. – 212 б.
10. Хамел Г., Прахад К.К. *Конкурируя за будущее. Создание рынков завтрашнего дня*. / Пер. с англ. – М.: Олимп-Бизнес, 2002. – 288 с.
11. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. *Менеджмент. Дарслик*. – Т.: Шарқ, 2002. – 704 б.
12. *Экономическая эффективность и конкурентоспособность. Учебное пособие*. / Д.Ю. Муромцев, Ю.Л. Муромцев, В.М. Тютюнник, О.П. Белоусов. – Тамбов: Изд-во Тамб. гос. ун-та, 2016. – 96 с.
13. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь*. // "Адолат" газетаси. 2018 йил 29 декабрь, 52 (1221)-сон.
14. Қосимов Ф.М. *Менеджмент. Олий ўқув юртлири талабалари учун дарслик*. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 368 б.
15. Азимова Ф.П., Кўзиев С.А. *Жаҳон мамлакатлари кластерлари ва Ўзбекистондаги кластерларнинг келгусидаги истиқболлари*. // "Логистика ва иқтисодиёт" илмий-электрон журнали. 2022/1-сон. ISSN 2181-2128. 87-94 б.

16. Qurbanov, Z., & Isaev, F. (2017). Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (1), 321–328. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/9190](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190)
17. Исаев, Ф. (2021). Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. *Экономика и образование*, (6), 86–91. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
18. Исаев Ф. Камерал солиқ текирувларини ўтказишда солиқ таҳлиладан фойдаланишни такомиллаштириш // *Экономика и образование*. – 2021. – №. 4. – С. 172-176.
19. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа // *актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации*. – 2017. – С. 246-254.
20. Isaev, F. (2017). Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 294–301. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/9579](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579)
21. Исаев Ф. И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. // *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*” илмий-электрон журнали. – 2021.
22. Исаев, Ф. (2022). Солиқ таҳлилининг ўрганиш зарурати. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
23. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари // *Экономика и образование*. – 2022. – Т. 23. – №. 4. – С. 190-196.
24. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 326–333. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12224](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224)
25. [www.oecd.org](http://www.oecd.org)



## ЁҒ-МОЙ САНОАТИ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИ ТАСНИФИ

**Боронов Бобур Фарходович** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти докторанти, и.ф.ф.д. (PhD)

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a42](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a42)

**Аннотация.** Мақолада ёғ-мой саноати тармоқлари маҳсулотлари ва уларнинг таркибий қисмлари, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, кунгабоқар ёғи ишлаб чиқариш технологияси, шунингдек, ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариш босқичлари ва уларнинг таснифи каби масалалар ёритилган.

**Калит сўзлар:** ёғ-мой саноати, ёғ-мой маҳсулотлари, асосий маҳсулот, ёндош маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёни, ишлаб чиқариш босқичлари, асосий ишлаб чиқариш, молиявий ҳисобот.

## ПРОДУКЦИЯ МАСЛОЖИРОВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ И КЛАССИФИКАЦИЯ ЭТАПОВ ИХ ПРОИЗВОДСТВА

**Боронов Бобур Фарходович** – докторант Самарқандского института экономики и сервиса, д.ф.э.н. (PhD)

**Аннотация.** В статье освещены такие вопросы, как продукты масложировой промышленности и их компоненты, особенности процесса масложирового производства, технология производства подсолнечного масла, а также этапы производства на предприятиях масложировой промышленности и их классификация.

**Ключевые слова:** масложировая промышленность, масложировая продукция, основной продукт, побочный продукт, производственный процесс, этапы производства, основное производство, финансовая отчетность.

## PRODUCTS OF THE OIL AND FAT INDUSTRY AND CLASSIFICATION OF THE STAGES OF THEIR PRODUCTION

**Boronov Bobur Farkhodovich** – doctoral student of Samarkand institute of economics and service, PhD

**Abstract.** The article highlights such issues as fat-and-oil industry products and their components, features of the fat-and-oil production process, sunflower oil production technology, as well as production stages at fat-and-oil industry enterprises and their classification.

**Keywords:** oil and fat industry, oil and fat products, main product, by-product, production process, production stages, main production, financial statements.